Ушбу сонда:
2 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР
3 TV-ДАСТУРИ
4 ШАНБА-ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 24 апрел, шанба № 68 (1701)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**А.С.Солиҳбоевни Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида**

Анвар Саидович Солиҳбоев Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 апрел

*Меҳнат муҳофазаси*

## ЗАРАРЛИ ШАРОИТДА ИШЛОВЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ

***Корхоналарнинг иш жараёнида шикастланиш ва касбий касалликларни камайтириш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Шу боис маъмурият билан ҳамкорликда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида инсон соғлиғи учун зарарли омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларини санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли бўлиши учун зарур чораларни кўрилмоқда.***

Жамоада 2300 нафар ходим бўлиб, уларнинг 522 нафарини хотин-қизлар, 777 нафарини 30 ёшгача ишчи-хизматчилар ташкил этади. Меҳнат муҳофазасига доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Корхона цехлари ва бўлинмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган 16 нафар вакиллар иш олиб бораяпти. Меҳнат қонунининг 23-моддасига мувофиқ улар жойлардаги аҳволни текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир вакилга ҳафтада камида икки соат ўз вазифасини бажариши учун вақт ажратилади ва ўртача иш ҳақи миқдорида ойлик тўланади.

Қ.Гадоев, Р.Бўриев, А.Раҳматуллаев, Е.Аҳроровлардан иборат вакиллар гуруҳи таъмирлаш устахонасидаги ҳақиқий аҳвол билан танишганларида ишлаб чиқариш санитарияси талаблари бузилганлиги аниқланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича цех бошлиқларига тегишли топшириқлар берилди.

Жамоа шартномасида зарарли бўлган цех ва бўлинмаларда меҳнат қилаётган ходимлар учун қисқартирилган иш куни, қўшимча дам олиш соатлари ва махсус устама ҳақ жорий этилган. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлиги хизматини ташкил қилишга 155 миллион сўм маблағ сарфланди. Ишчиларга кийим-кечаклар, сут маҳсулотлари, ҳимоя воситалари олиб берилган. Ягона меҳнат муҳофазаси куни ўтказилиб, ишчилар ўқитилади, хоналар шамоллатилиб, заҳарли ва енгил алангаланувчи суюқликларни сақлаш жараёнлари, ҳимоя ва сигнал мосламалари кўздан кечирилади.

Касаба уюшма қўмитаси ходимлар меҳнат муҳофазасини ҳимоялашда жамоатчилик назоратидан самарали фойдаланмоқда. Тиббий санитария қисми, профилакторий, ошхона ва чойхона ходимлар хизматида. Ишчи-хизматчиларга санаторий ва профилакторийларга даволанишлари учун имтиёзли йўлланмалар тарқатилаяпти. Бола парвариши билан таътилда бўлган аёлларга қўшимча ҳақ тўланади.

Ҳар чоракда ишчи-хизматчиларга мукофот пули, 13-, 14-ойликлар ҳам бериб борилаяпти. Жамоа шартномасига асосан ҳар бир ишчининг овқатланиши учун ҳар ойда 11 минг сўм маблағ сарфланди. Жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ташкил қилиш учун касаба уюшма қўмитаси томонидан 2 миллион 293 минг, маъмурият маблағи ҳисобидан 2 миллион 415 минг сўм сарф этилди.

Корхонада 12 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила, 67 та ишлайдиган нафақахўрлар, 7 та ногиронлар бўлиб, улар ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Уруш фахрийлари ва нафақахўрларга 3,5 миллион сўмлик озиқ-овқатлар тарқатилди. Ногиронларга 598 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Ҳар бир ишчининг корхона ички тартиб қоидалари, техника, ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси бўйича билимлари мутасаддилар томонидан синаб кўрилади. Ўта хавфли жараёнларда ишлайдиган ходимлар қисқа муддатли курсларда ўқитилади.

**М.НУРМУРАТОВ,**
**Муборак газни қайта ишлаш унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**



Наманган туманидаги «Уммон СБК» масъулияти чекланган жамият етти хазинанинг бири бўлган паррандачиликка ихтисослашган. Ҳозирда бу ерда 25 минг парранда парвариш қилинаяпти. Улардан кунига 7-7,5 минг донадан тухум олинмоқда.

– Яқин келажакда паррандалар бошини 50 мингдан ошириш ва кунига 40 минг донадан тухум йиғиб олишга эришиш иштиёқида иш олиб боряпмиз, - дейди жамият раҳбари Собитхон Камолов. –Шунда 20 нафарлик жамоамиз аъзолари 40 нафарга етади.

Дарҳақиқат, илгари ташландиқ жойда бугун улкан паррандачилик комплекси фаолият юритиб, эл дастурхонига файз киритмоқда.

**Суратда: илғор ишчилар Б.Камолов ва М.Зарифбоевалар.**

**Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ФЕРМЕР
## касаба уюшма аъзоси бўлса

***Кейинги вақтларда Хасанбой ота ўғли Шавкатнинг негадир ўзгариб қолганлигини сезиб юрарди. Бир куни у билан ўтириб келгуси режалари ҳақида суҳбатлашди. Ниҳоят Шавкат муддаога кўчди:***

– Дада, ширкат хўжалигимизда ўзгариш катта. Фермер хўжалигига айлантирилаяпти. Қани энди фермер бўлсам. Ёнимга укаларим Шуҳратжон ва Обиджонларни олиб, ишлаш ниятим бор. Мана, сиз бош бўлиб, маслаҳатингизни аямасангиз, ишларимиз юришиб кетарди, – деб қолди.

Ҳасанбой отанинг суяги меҳнатда қотган. 40 йил бўлибдики, ер билан тиллашади. Шунинг учун фарзанднинг гапидан тўлқинланиб кетди. Суюнмай бўладими. Бош фарзанди ота изидан бориб, меҳнатга, ерга меҳр қўйганлиги кўнглини тоғдек кўтариб юборди.

– Ҳақ гапни айтдинг ўғлим. Мустақиллик шарофати билан шу кунларга етиб келдик. Ишни бошлайвер. Бу ёғига мен турибман,– дея ўғлига оқ фотиҳа берди.

Шавкат шу куниёқ Янгийўл туманидаги «Озод» ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган комиссияга бориб ариза берди. Энди бу ёғига ҳамма нарсани танлов ҳал этади. Ота дуоси ижобат бўлдими ёки Шавкатнинг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги сабаб бўлдими, у ғолиб чиқди. Унга 27 гектар ер майдони ажратилди. У экин майдонининг 15,5 гектарига пахта, 11,5 гектарига буғдой экишни режалаштирди. Айни пайтда далаларга чигит экиб бўлинди. Фермер жорий йилда ҳар гектар майдондан 25 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган. Укалари, келинлари Феруза ва Умидалар ҳам унга камарбаста. Ҳатто онаси Бузаҳро опа ҳам далада.

Ёш фермернинг 3 та трактори бор. Янгийўлдаги пахта заводи ва дон қабул қилиш корхонаси билан шартнома тузилган. Банкда эса шахсий ҳисоб рақами очилган.

– Фаолиятимизда бир муаммо ҳам мавжуд, – дейди Шавкат Юсуфжонов. – Бизга техника сотиб олиш учун махсус йўналтирилган маблағ олишимиз керак. Шу ҳисобдан фақатгина техника сотиб олишимиз мумкин. Менда эса бу етарли. Чунки мен лизинг асосида трактор олганман. Шу сабабли маблағ менга берилмайди. Берилганда компаниядан олган қарзимни тўлардим. Мазкур муаммо ҳал бўлса, айни муддао бўларди.

Тўғри, ҳар бир янгилик яратилаётганида турли-туман муаммолар учрайди. Энг асосийси эса уларни дадиллик билан босқичма-босқич бартараф этишда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ширкатларга нисбатан анча юқори бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаганди. Чунки улар ерга ўз мулки сифатида қарайди. Натижада фермер хўжаликларида минерал ўғитлар ҳам тежамкорлик билан фойдаланилади. Шуни ҳисобга олиб Янгийўл туманидаги «Озод» ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди. Айни пайтда бу ерда «Файзи Наврўз», «Фарҳод Юнус», «Саховатли диёр» каби 19 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

– Биз фермерларга хизмат кўрсатишни яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз, – дея суҳбатни давом эттирди «Озодсервисплюс» муқобил машина-трактор паркининг раҳбари Абдумалик Камолов. – Айни пайтда машина-механизмлар ёрдамида уларнинг майдонларига ишлов бераяпмиз. Шу кунгача чигит экишни тугалладик.

Фермерларга кўрсатилаётган хизмат фақатгина бу эмас. Эндиликда уларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида «Мини банк» ҳам фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорлар ҳисоб-китоб ишларини узоққа қатнаб юрмай, шу ерда амалга оширишмоқда.

Туманда фермерлик ҳаракатининг ўзига хос тарихи бор. Бу ҳаракат 1991 йилда бошланган бўлиб, дастлаб 8 нафар фермер фаолият кўрсатишарди. Эндиликда эса уларнинг сони 450 дан ошиб кетди. Лекин ҳамма ҳам фермер бўлавермайди. Бунинг учун танлов эълон қилинган. Бунда уларнинг ёши, мутахассислиги, соҳадаги иш стажи ҳамда техника билан тиллаша олиш салоҳияти ҳисобга олинмоқда.

Шу кунга келиб туманда биринчи бўлиб «Озод» ширкати тўлалигича фермер хўжалигига айлантирилди. Уларга амалдаги қонун-қоидалар ва турли ҳужжатларни юритишларида деҳқон фермер хўжалиги уюшмаси ўз ёрдамини аямаяпти.

Фермерлар билан касаба уюшма ташкилоти алоҳида ишлашни йўлга қўйган. Чунки уларда ишлаётган ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини уюштириш касаба уюшма зиммасида.

Дарҳақиқат, ҳар бир фермер касаба уюшма туман қўмитаси билан эндиликда бевосита ўзи мулоқот қилади. Шу боисдан ҳам ҳатто айрим фермерлар аъзолик бадалини кўпроқ ўтказиб, шу ҳисобдан соғломлаштириш масканларига йўлланмаларни тезроқ олиш истагини билдиришаяпти.

Кишини қувонтирадиган жойи шундаки, айни пайтда ер ўз эгасини топмоқда. Шу кунга келиб республикамизда 87,8 минг фермер хўжалиги ташкил этилганлиги, уларда 603 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётганлигини мисол тариқасида келтириб ўтмоқчимиз. Сўнгги уч йилда зарар кўриб ишлаётган 336 та ширкат хўжалиги ўрнида 20 мингдан зиёд фермер хўжалиги тузилди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), мазкур комиссия раиси С.Рашидова бошқарди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2003 йилги фаолияти ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Омбудсманнинг ўтган йилги фаолияти ҳокимият миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, демократик институтларни янада ривожлантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилишга қаратилгани таъкидланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар тайёрлаш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланиши соҳасидаги вазият юзасидан мунтазам мониторинг ўтказиб келмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг беморлар ҳуқуқларининг таъминланишига доир қисми ижро этилиши юзасидан Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида мониторинг ўтказилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йили парламент Вакилига (Омбудсманга) фуқаролардан 5807 мурожаат тушган, 1345 мурожаат бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар берилган. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига доир бир минг тўрт юзтага яқин мурожаат назоратга олиниб, шундан 320 таси ижобий ҳал этилган. Ҳисобот даврида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан саккиз юзтадан зиёд мурожаат кўриб чиқилган.

Омбудсман қирқдан ортиқ давлатдаги омбудсманлар билан амалий алоқалар ўрнатган.

**(ЎзА)**

***Ўроз бобо Пиримов 55 йил деҳқончиликда фидойилик кўрсатди. Ўсмирлик ва йигитлик даврида нафақат Охунбобоев номли давлат хўжалигида, балки Пайариқ туманида донгдор теримчи ва пиллачи сифатида ном чиқарди.***

## ЭЗГУ НИЯТ УШАЛДИ

Узоқ йиллар далага дилдошлиги беиз қолмади. Туман, вилоят ва республика нуфузли идораларининг ўнлаб фахрий ёрлиқлари, «Шавкатли меҳнати учун» ордени ва «Ҳурмат белгиси» ордени заҳматли умрини ажойиб салоҳият билан безади. Диққатга сазовор жойи шундаки, донгдор деҳқон бутун меҳнат фаолияти давомида бригада ва бўлим касаба уюшма бошланғич ташкилотига бошчилик қилган. У ҳаёт бўлганида 75 ёшни қаршиларди.

Падари бузрукворининг муборак ёшини қаршилаб, футбол бўйича хотира турнири ўтказишни фарзанди Қурбон Пиримов ният қилганди. Мукофот жамғармаси 100 минг сўмлик бу тадбирда туманнинг 6 маҳалласидан 16 та жамоа совринли ўринлар учун куч синашди.

Саралаш учрашувларида юксак кўтаринкилик ва зўр маҳорат кўрсатган «Девюрак», «Ҳуррият-1», «Дўстларобод», «Бўзовул», «Ҳуррият-2», «Каттабоғ», «Ғўбдин» ҳамда «Чим» жамоалари чорак финал баҳсларига йўлланма олишди. Финалда эса дўстларободликларни 3:2 ҳисобида мағлуб этган девюракликлар турнирнинг бош совринига эга бўлишди. Учинчи ўринни эса «Бўзовул» жамоаси қўлга киритди.

Турнир интиҳосида энг яхши ўйинчи номига дўстларободлик Фозил Турсунов, энг яхши тўпурар деб топилган девюраклик Мамалиёр Темиров, энг моҳир дарвозабонликка эришган Алишер Ҳусанов, энг яхши ҳакам унвонига мушарраф бўлган Фахриддин Қўбаевлар Пиримовлар оиласи ҳамда бошқа ҳомийларнинг пул мукофоти, совғалари билан тақдирландилар.

**Эргаш САТТОРОВ,**
**меҳнат фахрийси**

### ГУРИЛЛАЙВЕР ТЕГИРМОН

Узун туманидаги Бўри Очилдиев жамоа хўжалигининг Деҳқон маҳалласида «Жўраев ўғиллари» фермер хўжалиги 1998 йилда ташкил этилган эди. Фермер хўжалиги ташаббуси билан, маҳаллада истиқомат қилаётганларнинг оғири енгил кўчмоқда. Хусусан, бир кеча-кундузда 1,5 тонна буғдойни қайта ишлайдиган тегирмонда ишлар қизғин бормоқда. Шунингдек, яқин кунларда макарон ишлаб чиқариш ҳам мўлжалланмоқда. Бундай саъи-ҳаракатлар натижасида 20 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланадилар.

Фермер хўжалиги ўтган йили 3 гектар хурмо боғи ва 10 сотих лимонзордан 10 миллион сўмга яқин даромад кўрди. Маблағнинг бир қисми мактабни таъмирлашга ҳамда йўлларни асфалтлашга сарфланди.

### БАРЧАНИ ҚУВОНТИРДИ

Олтинсой туманида Италиядан келтирилган замонавий технология асосида мева ва сабзавотларни қуритиш жараёни йўлга қўйилди.

Ўзбекистон - Германия «ESTWST SURXON» қўшма корхонаси вилоят деҳқонлари ва миришкорлари етиштирган сабзи, картошка, карам, лавлаги, булғор қалампири каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиб, экспорт қилмоқда. Маҳсулотлар МДҲ давлатлари ҳамда германиялик истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Қуритиш конвейерида 1000 тоннадан зиёд, бутун мавсумда эса бундан ҳам кўп маҳсулотлар сараланиб, қуритилади.

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### БОЛАЛАР ОРОМИНИ ЎЙЛАБ

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Бу йил вилоятдаги ўттиз оромгоҳда 10 мингдан зиёд бухоролик ўғил-қиз хордиқ чиқаради.

Шу кунларда оромгоҳларни мавсумга ҳозирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Бунда спорт майдонларига бу йил алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳомийлар футбол, волейбол, баскетбол тўплари, шахмат-шашка ва бошқа спорт жиҳозлари билан таъминлашни зиммаларига олган.

- Барча оромгоҳлар 20 майга қадар мавсумга тайёр бўлади, - дейди Бухоро вилоят касаба уюшмалари кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Мақсуд Шукуров. - Меҳр ва мурувват йилида кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул йўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

*«Ишонч» фош этади*

# ШИЙПОН – ШИПШИЙДОН
## ёхуд Андижон туманидаги баъзи «деҳқон оромгоҳлари»нинг ташвишли аҳволи мутасаддиларни ўйлантирмаяпти?

***Шу кунларда деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг бир оёғи пахта даласида бўлса, бир оёғи ғаллазорларда. Учқулоқ бўлган ғўзаларнинг сарин еллар ларзонидан завқланиб, тонгларни эгатларга сув тараш билан қаршилаяптилар. Гоҳ тиззага урган буғдой майсаларини оралаб, бегона ўтлардан тозалаётган, экинларни ўғитлаётганлигининг устидан чиқасиз. Буёғдан ипак қурти парвариши шоширадиган кунлар яқинлашяпти.***

Шундай долзарб паллада миришкорларга елкадош бўлиш қарз, ҳам фарз. Дала шийпони – деҳқоннинг иккинчи уйи. Шийпонларда қозон қайнаб турса, каттаю-кичик соя-салқинда мазали овқатланиб, бир пиёла чой билан чанқоғини қондирса, деҳқоннинг иши унумли, баракали бўлади.

Далада ишловчиларнинг меҳнатини муҳофазалаш айнан жамоа шартномаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Андижон туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги маъмурияти билан касабақўм ўртасида имзоланган жамоа битишуви бунга мисол бўлади. Унда ишчилар маиший шароитини яхшилаш, маданий дам олишини уюштириш, ойлик маошлар тўловини узлуксизлигини таъминлаш ўз ифодасини топган.

Шартномадаги ижтимоий-иқтисодий ҳимояга оид 92 та банднинг 87 таси бажарилганлиги касабақўмнинг жамоада ўрни ва нуфузи борлигидан далолат. Ўтган йили хўжаликда пахтачиликдан бошқа ҳамма иқтисодий кўрсатгичлар ортиғи билан ўринлатилди. Дон тайёрлаш давлат буюртмаси 127 фоизга, пилла тайёрлаш 118,2 фоизга бажарилди. Эътиборлиси ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясига 17 миллион 879 минг сўм сарфланди.

Меҳнатчиларни соғломлаштириш, уларнинг фарзандларини дам олдириш, хавфсиз меҳнат шароити яратиш, ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш иш берувчи ҳамда касабақўмнинг диққат марказида турибди. 2003 йилда «Боғишамол» даҳасидаги болалар оромгоҳи қайта таъмирланди. Ишчиларнинг 56 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди. «Наврўз» байрами кунлари эҳтиёжманд хонадонларнинг 30 тасига моддий ёрдам кўрсатилди. Заурок қишлоғидаги 3-ўрта мактабда ширкат маблағи ҳисобидан 7 хонали қўшимча синф хонаси қурилди. От спорти ўйингоҳи шу кунларда қайта таъмирдан чиқарилиб, ёзги спорт мусобақаларига ҳозирлаш ишлари ниҳояланмоқда.

Жамоа шартномасидаги мажбуриятларнинг бугунги ижроси, хусусан далада ишловчиларнинг меҳнати қандай муҳофаза қилинмоқда, деган савол туғилиши табиий. Иш берувчи вакили, маданий-маърифий ишлар бўйича раис ўринбосари Латифжон Аҳмедов, касабақўм раиси Рустамжон Муҳторов ҳамроҳлигида дала айланишга киришдик.

Козимжон Юсупов бош пудратчи бўлган 2-бригада дала шийпонидамиз. Гапнинг рости, уни шийпон дейишга оғринасиз. Деворлар қорайиб, сувоқлари кўчиб кетган. Бош пудратчи билан мулоқотда, бригадада 38 нафар оилавий ижарачилар меҳнат қилаётганлиги ойдинлашди.

– Бундай ташландиқ шийпонда одамлар қандай дам олади?– луқма ташлади кимдир. Бироқ саволга тайинли жавоб бўлмади.

Мутасаддилар шийпонда кунига 3-4 маҳалдан бепул овқат тайёрланаётганлигини айтдилару, бироқ ошхонани кўрсата олмадилар...

Гап айланиб иш ҳақи тўловларига келиб тақалди. Бригадир январ ойидан буён киссаси маош кўрмаганлигини афсус ила таъкидлади.

Қодирохун Раҳимов бош пудратчи бўлган 3-бригада даласида қизғин меҳнат гувоҳи бўлдик. 33 гектар ерда парваришланаётган ғўзалар ривожи кўзни қувонтиради. 7 гектардаги ғалла бошоқланиш арафасида. 56 нафар оилавий пудратчи тер тўкаётган, уларнинг аксарияти аёллар бўлган жамоадаги маиший шароитдан кўнгил тўлмади. Шийпонда 2 та чорпоя, 2 та курсидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Газета, журнал тахламлари, деворий газета ҳақида айтмай қўяқолайлик. Шийпон теграсидаги тахта тўсиқлар қаровсизликдан тутдай тўкилиб турибди. Тузуккина хоналарнинг бирига негадир сомон босилган, бирининг эшигига эса қулф урилган. Бундай аҳволда саратон оташларида хотин-қизлар қаерда, эркаклар қаерда дам олади? Таажжубки, болалар ва оналар хонаси бўла туриб, улар жиҳозланмаган.

Ошхонага бош суқарканмиз, моғор босган деворларга, тўнтарилган қозонга кўзимиз тушди. Ошхонанинг ҳолати шундай бўлгач, бошқаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Тиббий ёрдам бурчаги умуман йўқ. Аҳоли саломатлигининг посбони туман марказий касалхонаси, санитария-назорати идораларининг мутасаддилари қачон дала юзини кўрадилар. Вилоятнинг аксарият дала шийпонларида волейбол ўйингоҳлари ташкил этилган. Бу ерда эса шийпон қаршисидаги майдон ҳувуллаб ётибди. Бригададаги ишчиларнинг кўпчилиги маҳалла ёшлари, улар дам олиш соатларида спорт билан шуғулланиб, кўнгил ёзишни хоҳладилар. Лекин бунинг учун шароит йўқ.

Биз мавжуд 12 та шийпондан 2 тасидаги аҳволга тўхталдик холос. Аниқланишича, кўпчилиги хусусий мулк қилиб сотиб юборилибди ёки ижарага берилган. Унда деҳқон қаерда бошпана топади?

Дала шийпонларини таъмирлаш, жиҳозлаш ва ором масканига айлантиришга жамоа шартномасида қайд қилинганидек, ширкат маъмурияти ва касабақўм масъул. Кўринадики, мутасаддилар шартнома мажбуриятларини унутишган.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

